

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАТАМОВ БАХОДИР БАХРАМОВИЧ

**КЎП ФУНКЦИОНАЛ МАХСУС ТЕХНИКА ВА МОСЛАШГАН
МЕТОДОЛОГИК БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ МУРАККАБ
МАЖМУАЛАРНИНГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хатамов Баходир Бахромович

Кўп функционал махсус техника ва мослашган методологик
базасини яратиш орқали мураккаб мажмуаларнинг ёнгин
хавфсизлигини ошириш 3

Хатамов Баходир Бахромович

Создание многофункциональной спецтехники и адаптированного
методологического базиса повышения пожарной безопасности
сложных объектов 25

Khatamov Bakhodir Bakhromovich

Creation of multifunctional special equipment and an adapted
methodological basis for improving the fire safety of complex objects 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 51
List of published works

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАТАМОВ БАХОДИР БАХРАМОВИЧ

**КЎП ФУНКЦИОНАЛ МАХСУС ТЕХНИКА ВА МОСЛАШГАН
МЕТОДОЛОГИК БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ МУРАККАБ
МАЖМУАЛАРНИНГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/T1376 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.gubkin.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мавлянкариев Бахтиёр Абдугафурович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джураев Анвар техника фанлари доктори, профессор Курбанбаев Шухрат Эргашевич техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси И.М.Губкин номидаги (МТУ) Россия Давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали хузуридаги DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 рақамли Илмий кенгагининг 2020 йил «22» декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91 / факс: (99871) 262-70-90, e-mail: info@gubkin.uz)

Диссертация билан И.М. Губкин номидаги (МТУ) Россия Давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91.)

Диссертация автореферати 2020 йил «09» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «09» декабр даги 5 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Магрунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.А. Усманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

С.З. Юнусов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёдаги мураккаб объектлар алоҳида мамлакат иқтисодий салоҳияти ва истиқболли ривожланишининг тизимини ташкил этувчи муҳим сегментларидир. Замонавий шароитларда кўпгина мураккаб объектларнинг асосий хусусиятлари уларнинг фаолият муҳити параметрлари ўзгаришининг юқори динамикаси ҳамда уларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқий, инфратузилмавий қийинчиликлар ва зиддиятлардир. Иқтисоднинг ёнғин-портлаш хавфли ишлаб чиқариш цикллари ва мураккаб конструктив-технологик ечимлар билан энергияга тўла объектлар жами ҳамда ёнғин хавфи юқори бўлган қурилиш инфратузилмали объектлар ушбу диссертация ишида ягона атама, яъни «мураккаб объект» деб юритилади. Техноген ҳалокатларнинг, мураккаб объектлардаги ёнғинларнинг салбий оқибатлари, ёнғин хавфини камайтирувчи оғоҳлантириш чоралари самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган йўналишларини излашнинг долзарблигини оширди.

Жаҳон амалиётида мураккаб объектлар учун ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантириш ёнғин хавфининг техноген омилини камайтириш муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Илмий-техник таъминлашни ва унинг истиқболли таркибий қисм – кўп функционал махсус техникаларни мукамаллаштириш ва ривожлантириш, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Норвегия ва бошқалар каби жаҳоннинг ривожланган давлатлари мутахассислари фикрича, мураккаб объектларнинг барқарор ишлаши ва уларнинг ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мураккаб объектларда ёнғин хавфини камайтиришнинг оқилона ва тежамли асосланган йўли, ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш моделининг параметрларини ва концептуал ишлаб чиқиладиган техник тизимларни замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитга ҳамда махсус техникани қўллаш ва тадқиқ этиш бўйича ташкилий-структураларни мукамаллаштиришни назарда тутувчи трансформацион ўзгаришларга мослашувини ҳисобга олган ҳолда, ушбу моделини шакллантиришга комплекс ёндашиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида кўп функционал махсус техниканинг барча номенклатураси импорт устунлиги, уни бутлаш қимматлиги, ресурс, ишлаб чиқариш махсус синов базаси ва тажрибасининг чекланганлигида қурилишнинг ривожланиши ва мураккаб объектлар русумининг кенгайиши билан бирга, кўп функционал махсус техникалар билан таъминлашда мавжуд бўлган «истеъмол-жиҳозлаш» дисбаланси динамик равишда ошиб бормоқда. Ушбу муаммо мураккаб объектларда ёнғин хавфсизлигига жиддий хавф туғдириб, унинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда, республиканинг янги иқтисодий ривожланиш стратегияси – «2017-2021 й.й. Ҳаракатлар стратегияси» ни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Кўп функционал махсус техникани яратишнинг илмий

асосланган концепцияси ва ундан тизимли самарали фойдаланиш методологик асосларини ишлаб чиқиш стратегияси билан бирга, мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантириш моделини шакллантириш бўйича замонавий ёндашувларнинг амалга оширилиши республиканинг иқтисодий потенциалини оширишда ва қулай инвестицион муҳитни таъминлашда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» ги ЎРҚ-57-сонли, 2009 йил 30 сентябрдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида» ги ЎРҚ-226-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» ги ПФ-5706-сонли Фармони, 2019 йил 10 апрелдаги «Фавқулодда вазиятлар бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4276-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги 1011-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимига доир замонавий тасавурлар, концептуал ёндашишлар ва унинг турли жиҳатлари Н.Г. Топольский, Н.Н. Брушлинский, А.Т. Елагин, Е.А. Мешалкин, Н.Л. Присяжнюк, В.Л. Семиков, Ю.И. Аболенцев, А.С. Смирнов, И.И. Игайкина, Н.Р. Маланчев, М.М. Мирфатуллаев каби россиялик олимлари ҳамда Г. Бозуков (Болгария), G. Effenberger, P. Wagner (Германия), H.W. Emmons, P. Schaentan (АҚШ), T. Wilmot, T. Peysh (Швейцария), K. Boys (Шмолий Ирландия), Vu Van Thuya, Нгуен Ба Туан (Вьетнам) каби хорижий олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда А.Т. Джалилов, Н.А. Самигов, Б.А. Мавлянкариев, А. Саримсаков, Ш.Э. Курбанбаев, С.М. Джураев, О.М. Йўлдошева, Р.И. Исмоилов, Б. Мухамедғалиев, А. Рафиқов, Ф.М. Нуркулов, Б.Т. Ибрагимов каби олимлар ва уларнинг шогирдлари иқтисодий объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими назарияси ва амалиёти, ёнғиндан химояланган конструкциялар, қурилиш ва тўқимачилик материаллар ишлаб чиқаришга сезиларли даражада ўз хиссаларни қўшдилар.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш соҳасида маълум натижаларга эришилган. Аммо мураккаб объектлар сони ва тури ортисини ҳисобга оладиган бўлсак, ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар, моделларини шакллантириш босқичлари ва ривожланиш стратегияси, истиқболли кўп функционал махсус техникани яратишнинг илмий формати ва уларни самарали қўллашда мослашган услубий асослар ва қатор муаммолар билан боғланган оптималлашган иловаларда бир қанча камчиликлар мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти (ҳозир – Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси) илмий-тадқиқот ишлари режасининг 42/7-4 – «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар ва истиқболли муаммоларни бажаришга йўналтирилган тадқиқотларни ривожлантириш стратегияси» мавзуидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини оширишнинг кўп функционал махсус техника ва мослашган методологик базасини яратиш орқали такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини техник-методологик таъминлашнинг муаммоли масалаларини таҳлил қилиш;

мураккаб объектлар ёнғин хавфсизлигини ошириш учун техник таъминлашни ривожлантириш моделини шакллантириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

кўп функционал махсус техникалар яратишнинг илмий асосланган концепциясини ва уларнинг истиқболли конструкцияларини амалга ошириш принципларини ишлаб чиқиш;

мураккаб объектлар ёнғин хавфсизлигини оширишнинг амалий масалаларини ечиш учун кўп функционал махсус техникалардан мослаштирилган ва самарали фойдаланиш имкониятларини берувчи услубий базани ишлаб чиқиш;

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таҳлилий-ахборот билан таъминлаш базасини шакллантириш форматини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўп функцияли техник-методологик асосдаги мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантиришни бошқариш жараёни танланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўп функционал ёнғинга қарши махсус техникаларни яратишнинг концептуал асослари ҳамда уларни самарали қўллаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида формализация, башоратли, тизимли, статистик ва диалектик таҳлил усуллари, эмпирик

тадқиқот (кузатув, ёзиш, таққослаш, декомпозиция), эҳтимоллар назарияси ва тажриба маълумотларини қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини оширишнинг кўп функционал махсус техника ва мослашган методологик базасини яратиш орқали такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқилган;

кўп функционал махсус техникани яратишнинг илмий асосланган концепцияси ва унинг негизи – мураккаб объектлар ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашнинг дастурий-мақсадли бошқарувининг уч босқичли модели ишлаб чиқилган;

кўп функционал махсус техника ҳаёт циклининг барча босқичларини тизимли равишда комплекс кўриб чиқишнинг ташкилий-таркибий принципи, техник қайта таҳлил қилиш жараёни ҳамда махсус техниканинг истиқболли конструкциялари ишлаб чиқилган;

кўп функционал махсус техникалардан самарали фойдаланиш учун мослашган методологик базис ва мураккаб объектларни лойиҳалаш ва уларни кейинги трансформация босқичларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган услуги ишлаб чиқилган;

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлиги самарадорлигини ошириш манбаи сифатида қўлланиладиган қўллаб-қувватловчи таҳлилий-ахборот базасини шакллантириш учун платформа ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг анъанавий икки босқичли (фаол ва нофаол) принципи имкониятларини кенгайтириб, тезкор-мақсадли босқични қўшган ҳолда, мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш дастурий-мақсадли бошқарувининг уч босқичли модели яратилган;

кўп функционал махсус техникадан амалий фойдаланишнинг тизимли самарадорлигига эришиш манбаи сифатида, ҳаётий циклининг барча босқичларини тизимли равишда комплекс кўриб чиқишнинг ташкилий-таркибий принциплари билан кўп функционал махсус техникани яратишнинг илмий асосланган концепцияси ишлаб чиқилган;

ёнғинни ўчириш усули («ёнғин ўчирувчи моддани етказиш усули») ва кўп функционал махсус техникаларнинг истиқболли конструкциялари («ёнғин ўчирувчи моддали контейнерни улоқтирувчи қурилма ва контейнер» ва икки хил кўп функцияли ёнғин хабарловчилари) ишлаб чиқилган;

кўп функционал махсус техникалардан амалий фойдаланишда талаб қилинадиган мураккаб объектлар ва универсал хусусиятларнинг мақсадли вазибаларига мувофиқ, ёнғин-қутқариш бўлинмалари фаолиятини тавсифлайдиган ташкилий-тактик чора-тадбирлар тезкор бажарилишини, зарур ва етарли миқдордаги ресурслар аниқлашини таъминлайдиган кўп функционал махсус техникаларнинг функционал имкониятлари кенгайтиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, унинг тайёргарлик ва ишончлилик кўрсаткичлари пасайишининг башорат қилиш услубларини ўз ичига олган, мослашган методологик базиси яратилган;

кўп функционал махсус техникаларнинг ресурсли харажатларини ва уларни қўллаш шароитларини оптималлаштириш ҳамда лойиҳалаштириш, ишлатиш ва кейинчалик ўзгартириш даврида мураккаб объектларнинг таҳдид ва хавфларни камайтириш учун алгоритм ва «Билимлар эксперт базаси» ни шакллантириш бўйича электрон методик қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот даврида олинган натижаларнинг ҳақиқийлиги уларнинг ички қарама-қаршиликсиз, физик-математик йўналишидаги қонунлар ва бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан мувофиқлиги ҳамда улардан амалиётда фойдаланилганда ижобий натижалар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг мавжуд фаол ва нофаол босқичларига қўшимча янги тезкор-мақсадли хавфсизликни таъминлаш босқичи киритилганлиги ва ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантиришнинг уч босқичли модели тавсия қилинганлиги, унинг дастурли-мақсадли бошқарувининг илғор базаси олинганлиги, кўп функционал махсус техникани келажакда яратишда, яъни дастурли мазмунда меъёрий ва раҳбарий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган қўллаб-қувватловчи таҳлилий-ахборот база ҳамда яқин ва узок келажакда уларни модернизациялаш механизмларини асослаш имконини берадиган қурол сифатида фойдаланса бўладиган натижалар олинганлиги билан белгиланади.

Ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш ва уни келажакда ривожлантириш моделларини шакллантириш кўп функционал махсус техника, методологик асослари ва «Билимларнинг эксперт базаси» ни концептуал яратиш бўйича аниқланган қонуниятлар соҳанинг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳиятини ва мураккаб объектларнинг хавфсизлиги масалаларига касбий мунособат даражасини мустаҳкамлашга, мураккаб объектларнинг хавфсизлик параметрлари ва ёнғин хавфсизлиги даражаси барқарорлигига ҳамда қулай инвестицион муҳитини қўллаб-қувватлашга имконият беради;

кўп функционал махсус техникани яратиш ва ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантириш уч босқичли моделининг тавсия қилинган концепциялари мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлиги даражасини оширишда энг эҳтимоли катта таҳдид ва хавфларни ҳисобга олган ҳолда «ҳаражатлар/самарадорлик» мунособатига эришиш алгоритмини тартибга солади;

ёнғин хавфсизлиги ва жамиятда ўзаро бир-бири билан боғланган, очилган трансформацион жараёнлари, умуман олганда, республикада қабул қилинган «2017-2021 й.й. Ҳаракатлар стратегияси» ни амалга ошириш учун методик базисини белгиладиган мутахассисларни тайёрлаш дастури ва мониторингни мукамаллаштириш, уларни техник ва технологик янгиликларни ишлаб чиқиш учун инновацион усулларга ўргатишни асослаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп функционал махсус техника ва мослашган методологик базасини яратиш орқали мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини оширишнинг кўп функционал махсус техника ва мослашган методологик базасини яратиш орқали такомиллаштирилган усуллари «SHTAR SYSTEM» МЧЖ да техник тизимларни эксплуатация шароитларга мослаштириш, уларнинг монтаж ишлари ҳажмини ва хизмат кўрсатиш даврийлигини қисқартириш жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 26 сентябрдаги 2/4/32-2146-сонли маълумотномаси). Натижада, ёнғин сигнализация тизимларини қўллашда ишламай қолиш муддатининг ўртача 8 ойга узайтирилиши ва қайта тиклаш сарф-харажатларининг 1,75 мартага камайиши аниқланган;

мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш дастурий-мақсадли бошқарувининг уч босқичли модели ва қўллаб-қувватловчи таҳлилий-ахборот база – «Билимлар эксперт базаси» ни шакллантириш учун платформа асосидаги кўп функционал махсус техникани яратишнинг илмий асосланган концепцияси «Vinlad» махсус ишлаб чиқариш корхонасида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари реестрига, синов цикли стандартлари режасига, лицензиялаш ҳуқуқларини ривожлантириш ва кенгайтириш режасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 26 сентябрдаги 2/4/32-2146-сонли маълумотномаси). Натижада, мураккаб объектларни комплекс ва ёнғиндан ҳимоя қилиш лойиҳалаштириш харажатлари 1,4-1,8 бараварга, ишлаб чиқариш йўқотишларининг 3,5 фоизга камайиши, самарадорликнинг 1,5 бараварга ошишига эришилган;

кўп функционал махсус техника ҳаёт циклининг барча босқичларини тизимли равишда комплекс кўриб чиқишнинг ташкилий-таркибий принципи ва техник қайта таҳлил қилиш алгоритм ёнғинни ўчириш усулини, ёнғин ўчирувчи моддали контейнерни улоқтирувчи қурилмаси ва ёнғин хабарловчиларни ишлаб чиқишда жорий қилинган, ва уларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган («Ёнғин ўчирувчи моддани етказиш усули», № IAP 04479, 2012 й.; «Ёнғин ўчирувчи моддали контейнерни улоқтирувчи қурилма ва контейнер», № IAP 04480, 2012 й.; «Ёнғин хабарловчиси», № IAP 04653, 2013 й.; «Ёнғин хабарловчиси», № IAP 04679, 2013 й.). Натижада, ёнғин ўчоғига ёнғин ўчирувчи моддани етказиб бериш усули ва уни амалга ошириш кўп функцияли қурилмасини, электр симларининг ёнғин бошланиш ҳолатини эрта аниқловчи ёнғин хабарловчисини, ёнғин ўчоғини эрта аниқлаштирувчи ва уни бартараф қилувчи хабарловчисини ишлаб чиқиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика доирасида ташкил этилган илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда маъруза шаклида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш нашр этилган. Улардан 1 та монография, 10 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий диссертация натижаларини нашр этиш тавсия этилган 1 та хорижий ва 9 та республика миқёсидаги журналларда чоп этилган, шунингдек, ЎзР ИМА нинг 4 та ихтиро (№ IAP 04479, № IAP 04480, № IAP 04653, № IAP 04679) учун патентлар, электрон методик (№ 001231) ва ўқув (№ 001232) қўлланма учун гувоҳномалар олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилишига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашнинг ривожланиш босқичи сифатида кўп функционал махсус техникани яратишнинг концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобда кўрилаётган мураккаб объект (МО) да кризисли вазият (КВ) нинг таҳлили берилган, МО нинг ёнғинга қарши химоя меъёрларининг янги таҳдид ва хавфларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган қатор МО га номувофиқлиги аниқланади. Уларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлаш (ЁХИТТ) билан боғлиқ муаммоси ҳамда МО да уларнинг пайдо бўлиш шартлари ва манбалари очиқ берилган. Жорий даврдаги ўзгарувчан жараёнлар ЁХИТТ ни белгилайдиган барча шароит ва омилларни ўзгартириб, уларни янада мураккаблаштириб юбориши таъкидланади. МО учун ёнғин хавфсизлиги (ЁХ) ни таъминлашга сарфланадиган харажатларнинг ошишини белгилайдиган тузилмалар МО ларнинг замонавий чақириқ ва хавфларга мойиллик қонунияти асосланади. Унинг тизимли таҳлили ЁХИТТ ривожланишининг илмий-асосланган йўналишини танлашни асослаш имконини беради, яъни вужудга келадиган КВ ларнинг интенсивлиги кўрилаётган МО нинг ЁХИТТ ни ривожланиши учун асос ҳисобланган, асосан, фойдаланиладиган кўп функционал махсус техника (КФМТ) нинг мавжудлиги ва даражасига боғлиқ. Тадқиқ этилаётган мавзу бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкин. ЁХИТТ бўйича аввалги тадқиқотларда истиқболли ривожланиш ва унинг техник асоси биргаликда

кўрилмасдан техник масаланинг ҳудудий, тармоқли ва объектли вазифалари билан чекланилган эди. Услугларни яратиш уларнинг тизимли қурилиши ва қўлланишга мослигини ҳисобга олмасдан, хусусий масалаларгагина тегишли бўлган. МО учун ЁХ нинг керакли даражасини бошқариш ва юқорида айтилган масалаларни ЁХИТТ ни ўзгартириш ва КФМТ асосида қуришни ҳисобга олган ҳолда мажмуали таҳлилни асослаш бозор иқтисодияти шароитида ноаниқ бўлиб, очиклигича қолди. Илмий-техник таъминлаш йўналиши танланишининг техник-иқтисодий асослашнинг график тасвири ишлаб чиқаришнинг талаб қилинган шароити учун бажарилган, яъни МО учун ЁХ нинг талаб қилинган даражасига турли моделлар ҳаражатларини таққослаш йўли билан эришилади (1-расм). Графикдан кўриниб турибдики, КФМТ асосида методологик ёндашишдан фойдаланилганда ҳаражатлар даражаси (ЁХ ни таъминлаш нарҳи) анча оқилона бўлар экан.



- $Z_{орг}$ - янги ташкилий-техник тадбирларни қўллаш ва ходимларни тайёрлаш;
- $Z_{м}$ - методологик асос ва мажмуавий ёндашишдан фойдаланиш;
- $Z_{обн}$ - техник таъминотни янгиллаш;
- $Z_{выс}$ - юқори технологик маҳсулотдан фойдаланиш;
- P_n - қўллай ҳаражатлар даражаси.

1-расм. МО нинг ёғин хавфсизлиги даражасини асосли таъминлаш бўйича башоратли баҳолашнинг ҳаражатларга боғлиқлиги графиги

Ушбу ишда кўриб чиқилаётган МО нинг ЁХ ни таъминлашда «ҳаражатлар/самарадорлик» мунособатини оқилона танлаш имконини берадиган ЁХИТТ билан бирга, КФМТ ни концептуал яратишнинг кўпаспектли боғланиш ва уларни биргаликда ўрганишнинг муҳимлиги асосланади. Барча МО лар уларнинг дифференциацияси бўйича тўртта типга бўлиб, тизимлаштириш ўтказилди: типнинг хусусияти бўйича; КВ да бўлиши мумкин бўлган зарар бўйича; ЁХ ни таъминлашда ҳаражатлар бўйича.

Тадқиқот тизимли ёндашиш принциpidан ва ягона математик таъминот базасидан фойдаланиб бажарилди.

Юқорида ифодаланган хулосалар диссертация ишида қўйилган МО учун ЁХИТТ ни ривожлантириш моделини шакллантириш, КФМТ яратишнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқишни бошқариш ва уларни методологик асосда тизимли самарали қўллаш ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш каби қўйилган мақсадларни асослаб берди.

Диссертациянинг «**Кўп функционал асосда мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни ривожлантириш модели ва стратегиясини шакллантириш**» деб номланган иккинчи бобида МО учун ЁХИТТ ни ривожлантириш концепцияси таҳлили, ҳолатнинг диагностикаси, унинг тавсия этилган уч босқичли ривожлантириш модели, ноаниқ бозор иқтисодиёти шароитида ЁХИТТ даражасини ошириш стратегияси ва бошқарув масалалари кўриб чиқилди. Диссертант томонидан МО лар учун ЁХИТТ нинг маълум концепцияси таҳлили ўтказилиб, унда ЁХ масалаларини ечишда жуда паст кўрсаткичга эришилгани, ЁХИТТ модернизацияси ва янги концепцияларини яратиш сушт олиб борилганлиги маълум бўлди. Қўйилган масалалар куйидаги кетма-кетликда амалга оширилди.

МО лар учун ЁХИТТ ни ривожлантиришнинг уч босқичли модели концепцияси тавсия этилган (2-расм).

Нофаол

Қурилмаларнинг ёнғинга чидамлилигини таъминлаш бўйича барча турдаги тадбирларни ўз ичига олган ёнғинга чидамли материаллардан, оловни тўхтатувчилардан, ёнғинга қарши материаллардан, ёнувчан бўлмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш; мураккаб объектларнинг тегишли техник жиҳозлари.

Тезкор-мақсадли

Ёнғинларни эрта аниқлаш, замонавий техник тизим томонидан амалга ошириладиган, истиқболли элементлар ва технологик асосларга эга ва замонавий талабларга жавоб берадиган оқилна кенг функционал имкониятлар ва физик-кимёвий самарали воситалар ҳамда материалларга эга бўлган, унинг олдини олиш ва ривожланишининг сабабларини бартараф этиш.

Фаол

Ёнаётган ёнғинларнинг оқибатларини бартараф этиш, ўт ўчириш, техник жиҳозлар ва махсус техникалардан, шу жумладан, автоматик ёнғинга қарши тизимлардан фойдаланиш чоралари.

2-расм. МО лар учун ЁХИТТ ни ривожлантиришнинг уч босқичли модели

Маълум икки босқичли моделдан (нофаол ва фаол) воз кечиб, яъни унинг ёнғин-портлашга хавфли ҳолати (ЁПХХ) нинг барча хусусиятлари (ишлаб чиқариш режимлари, инсоннинг ҳаёт фаолияти) ва МО ни тахмин қилинган химоя даражаси кўрсаткичларининг ўзгариб туриши мумкинлиги таъкидланди. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ёнғинга хавфли омиллар кўрсаткичи анча кенгроқ тасаввур этилди, яъни уларнинг объектга таъсири турлича бўлиб, уларнинг ўзгариши ёнғиннинг ривожланиш сценарияси ёки

химоя шартлари билан узлуксиз боғлиқлиги кўшиб кўйилди. Ҳозирда ёнувчи материалларнинг непропорционал тўпланиш тенденцияси ёнғинни ва унинг ривожланиш ҳолатини тахминий ўрганиб чиқишга жуда катта қизиқиш уйғотади. ЁПХХ нинг ривожланиш сценарияси ва уни башорат этиш жуда мураккаб бўлиб, у жараёнини ўрганиш учун ушбу йўналиш бўйича мониторинг ўтказилди. Воқеаларни ривожлантириш ва тўхтатиш диалектик қонунларидан фойдаланиб, «ичидан» нигоҳли ёндашишли методик аппарати тавсия этилди.

МО учун асосий масала ЁХ ни талаб қилинган даражада таъминлаш бўлиб, ҳозирда уни «зарур даражада ушлаб туриш» ҳам кўриб чиқилмоқда. Ҳозирда ЁХ бузилишининг асосий сабабларини билиш ва унинг оқибатларини «симптом» бартараф этиш етарли эмас. МО лар учун ЁХ ни таъминлаш хусусияти ва сабабларини ўрганиб, унинг даражасини талаб қилинган даражада ушлаб туриш бўйича чора-тадбирлар кетма-кетлиги белгиланади, яъни уни башоратли «моделлаштириш» ва динамикасини олдиндан айта билиш, ноқулай симптомлар шароитида керакли ўзгартиришларни тезкор киритиш каби чоралар амалга оширилади.

Ушбу масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб, муаллиф томонидан уни ечишнинг назарий аспекти тавсия этилди. Бу ўзига хос модель бўлиб, МО ларнинг хавфсизлик кўрсаткичларига ўхшаш хавфлар тўплами бўйича ЁХ даражаси пасайишини кўрсатишга хизмат қиладиган ўзига хос «индикатор» бўлиб хизмат қилади.

А) МО нинг ва унинг ёнғин хавфсизлиги тизими (ЁХТ) нинг ёнғинга хавфли хусусиятлари ўрганилиб, улар $U = U(t)$ ва $V = V(t)$ кўринишидаги функцияларда ифодаланди. Уларнинг биринчиси ривожланади, иккинчиси эса $Y = Y(t)$ чиқиш характеристикаси ривожланишини тўхтатиб туради (масалан, $U = at$, $V = bt$ бўлиши мумкин);

В) $Y(t)$ га таъсир қиладиган, лекин U ва V ларни ҳисобга олмай, X_1, X_2, \dots, X_m омиллар тўплами аниқланади;

С) дастлабки (3) функциянинг эволюцион тенгламасини ечиш йўли билан унинг $Y = Y_p(t)$ ечими топилади ва тажриба натижалари бўйича $Y(t)$ ифода таркибига кирган коэффицентлар қийматлари аниқланади;

Д) $t = t_1$ вақт онларидан бири учун $Y''' = Y_{cp}(t_1) - Y_p(t_1)$ айирма ҳисобланади, бу ерда $Y_{cp}(t)$ – ҳақиқий чиқиш характеристика эгри чизигининг вақтга боғлиқлиги. Y учун (1) ифодадан $Y''' = Y'' + \beta_j(X_j - X_{0j})$ регрессия функцияси аниқланади, сўнгра (2) мунособатдан фойдаланилади;

Е) бошқа кейинги вақт онлари учун $Y(t)$ чиқиш характеристиканинг қийматларини (2) ифодадан аниқлаб, улар рухсат этилиши мумкин бўлган чегаралар (меъёрий хужжатлар бўйича тадқиқот ва амалий фаолият маълумотлари) билан солиштирилади.

Агар ноқулай баҳолаш юз берса, оловнинг катта ёнғинга айланиши у ҳолда ЁХ X_j омилларни ўзгартириш ҳисобига ёки ёнғин хавфи даражасини пасайтирадиган бошқа ташкилий-техникавий чораларни амалга ошириш ҳисобига бошқарув ҳақидаги масала кўриб чиқилади. Тавсия этилган моделни шакллантириш алгоритми бўйича барча талабларни

қаноатлантирувчи техник тизим типни танланади, ушбу тадқиқотда ҚФМТ ҳисобланади, қўлланиш шароитига мослашни ҳисобга олганда, унинг конкрет типини ҳам танлаш мумкин бўлади. Келтирилган ҳисоблашлар муолажаси тадқиқ этилаётган ёки бирлаштирилган МО типлари учун ЁХИТТ нинг моделини шакллантиришнинг ташкилий асоси ёки унинг ривожлантириш йўналишини тайёрлаш имконини беради (3-расм).



3-расм. МО учун ЁХИТТ нинг ривожланиш моделини шакллантиришнинг структуравий схемаси

Юқорида кўрсатилганидек, МО учун бошқариш ёки ЁХИТТ ни керакли даражада ушлаб туриш ноаниқ бозор иқтисодиёти шароитида муҳим йўналиш деб тан олинади. Бундан ташқари, мазкур масала унификациялаштирилган статусга эга, чунки у қўллаб ташкил қилишлар ва қарорлар билан боғлиқ. Мисол сифатида, ҚФМТ базасида МО нинг барқарор ишлашини таъминлашда тан олинган ахборот-техникавий таъминлаш орқали кўриб чиқилди. Унификациялаштирилган масаланинг қўйилиши: МО учун ЁХИТТ нинг A реал ўлчанадиган характеристикалар мажмуини унинг талаб этиладиган мўърий даражасини белгилайдиган B параметрлар мажмуи билан адекватлигини таъминлаш. Юқори аниқликдаги ўлчашда ҳам A ва B лар назорат схемасининг ўзаро кучсиз боғланганлигини инобатга олганда ЁХИТТ ни турли хавфлардан ҳимояланганлиги кафолатланмайди.

Барча талаблар мўърлари мажмуасини B орқали белгилаймиз: $B = (B_1, B_2, \dots, B_N)$ B_i лар тўплами, i – i -кўринишдаги конкрет талаб.

$$A = (A_1, A_2, \dots, A_N), \quad (1)$$

бу ерда, $A_i - B_i$ га мос ўлчанадиган характеристикалар тўплами.

$B_i = [b^{ik}] - b^{ik}$ параметрлар матрицаси, $A_i = [a^{ik}] - a^{ik}$ параметрлар матрицаси.

$$r(A_i, B_i) = \sum_{j=1}^n a_j * r_j, \quad (2)$$

бу ерда, $r_j - A_i$ матрицанинг j -м ва B_i матрицанинг j -м стунлари орасидаги корреляция коэффициенти.

$j = 1, n$. Агарда $\theta = \sum_{j=1}^n a_j$, $\beta = a_j/\theta$, демак $\sum_{j=1}^n \beta_j = 1$ ҳамда A_i ва B_i орасида $r(A_i, B_i)$ корреляция коэффициенти қуйидаги шартларни қондиради

$$r_{(1)} < r'(A_i, B_i) = \frac{r(A_i, B_i)}{\theta} = \sum_{j=1}^n \beta_j r_j < r_{(n)}, \quad (3)$$

бу ерда, $r_{(1)}, r_{(n)} - r_j$ корреляция коэффициентлари ичидан мос равишда кичиги ва каттаси.

Агар $0 \leq |r(A_i, B_i)| \leq 1$ бўлса, у холда идеал адекватликка $|r(A_i, B_i)| = 1$ га эришилади.

$$r_{1,2,\dots,n}^2 > \epsilon_1, \dots, r_{1,2,\dots,n}^2 > \epsilon_1, \quad (4)$$

Барча $r_{ij} \rightarrow 0$ да $H \rightarrow 0$ бўлади. H нинг қиймати қанча бирга яқин бўлса, шунча (A_1, A_2, \dots, A_n) характеристикалар (B_1, B_2, \dots, B_n) параметрларга адекват бўлади.

$$H = |N_{n-1}| > \epsilon_0, \quad (5)$$

бу ерда: $\epsilon_0 - H$ нинг чегаравий қиймати бўлиб, у илғор технологиядан фойдаланиш асосида тажриба йўли билан аниқланади.

Шундай қилиб, МО лар учун ЁХИТТ нинг даражасини ошириш бўйича тавсия этиладиган стратегия, МО лар учун КФМТ ни танлаш йўли билан ЁХ нинг талаб этилган даражасини таъминлашни оптималлаштириш ва истиқболда «Билимлар эксперт базаси» ни яратишда қўллаш имконини беради. ЁХИТТ ни ривожлантириш моделининг КФМТ га бўлган замонавий талаблар инобатга олинган вектор-йўналишлар истиқболи ўрганилди: ресурс тежаш; импор ўрнини босиш; интеллектуал интегралланган куриш; функциясини қулай кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси ФВВ нинг Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш Бош бошқармаси (ДЁНТЭББ) бошқарув фаолиятида КФМТ ҳаётий циклининг «яратиш – комплектлаш – жорий қилиш – эксплуатация» каби барча босқичларининг тизимли интеграция принципларидан фойдаланиш тахлили унинг ташкилий тузилмаларини сезиларли даражада мукамаллаштиришга, босқичларнинг самарадорлиги ва оптималлигини ошириш, ресурсли, молиявий ва вақтинчалик харажатларини кескин қисқартиришга олиб келди. Шундай ресурс ушбу диссертация иши доирасида муаллиф томонидан КФМТ конструкциясини ишлаб чиқишда ва

методик базани яратишда амалда синаб кўрилди. Ишда МО лар учун ЁХ нинг талаб этилган даражасини таъминлашда КФМТ дан амалда фойдаланишни рационалаштириш ва КФМТ ни яратиш алгоритми, бошқача айтганда, МО учун ЁХИТТ нинг ривожланиш моделини шакллантириш тавсия этилди.


Диссертациянинг «**Кўп функционал махсус техника ва ундан тизимли-самарали фойдаланишга мослашган методологик базасини яратиш концепцияси**» деб номланган учинчи боби КФМТ ни яратишнинг концептуал масалалари ва улардан фойдаланишнинг методик асосларини ўрганишга бағишланади.

Мураккаб техник тизимлар ишининг, яратилиш тажрибаси ва уларни самарали ишлаши таҳлили шуни кўрсатдики, кўп вариантли тасаввур қилинган КФМТ учун амалиётчилар нигоҳида энг адекват ва қабул қилиш қулай бўлган вариант – КФМТ конструкциясини техник тарафидан таҳлил қилишда фойдаланиладиган Исикава сабаб-оқибат диаграммаси ёрдамида тизимли таҳлил қилиш принципи ҳисобланади. Бунда қуйидаги иккита хусусият ҳисобга олинади: МО ларга бўлган талабнинг кўп аспектилиги; тизимли самарадорлик талабларини таъминлаш. Унинг хусусиятлари техник тарафдан «кўпол» ва «нозик» таҳлилларни амалга ошириш учун Исикава сабаб-оқибат диаграммаси иловаларида акс эттирилган. КФМТ ни қўллаш самарадорлигини оширишни таъминлашга бўлган талаб КФМТ ни қўлаш шароитига мослашишни белгиласа, методик базисни яратиш эса ёнғинни ривожланиш эҳтимолини пасайтириш ва огоҳлантириш имкониятларини белгилайди. Турли кўринишдаги масалаларни осонлаштириш учун КФМТ нинг тадқиқ этилаётган характеристикалари, техник тарафидан таҳлиллари МО лар учун ЁХ даражаси (ЁХД) ни ушлаб туришга боғлиқлиги кўриб чиқилган.

Боғлиқлик кўпгина амалий иловаларга эга бўлиб, бизнинг ҳолатимизда техник таъминотни баҳолайдиган характеристика сифатида КФМТ нинг тайёрлик кўрсаткичи қабул қилинган. Унинг пасайиши башорати кўрилаётган МО учун ЁХД талабини таъминлашда адекват акс этиб, шу билан бирга фойдаланилаётган КФМТ га боғлиқ бўлади.

Диссертант томонидан мазмун юклагани «КФМТ – уларнинг амалий иловалари методологияси» мажмуасини шакллантириш унификациялаштирилган усуллари ишлаб чиқилди: МО учун ЁХ нинг ахборот-методик таъминлаш базаси (АМТБ) ни инновацион модернизациялаш; КФМТ нинг функционал имкониятларини кенгайтириш самарадорлигини критериал баҳолаш; техник воситалар ва бошқаларни импорт ўрнини босишининг ресурсли асосининг самарадорлиги критериясини шакллантириш.

ЁХИТТ нинг даражасини ошириш стратегияси МО ларда ёнғиннинг авжига чиқиш хавфини камайтириш ва у хақида огоҳлантиришнинг кўпаспектли масалаларини ечишда «Билимлар эксперт базаси» ни яратиш асоси бўлиб қолди (4-расм).



4-расм. «Билимлар банк» ни шакллантиришнинг схемаси

Мажмуаларни яратишнинг бошқа муҳим жиҳатларидан бири фавқулдда ҳодисаларда зарарлар даражаси билан боғлиқ бўлган тезкор қарорлар қабул қилишда ахборот-аналитик қўллаб-қувватлашларни олиш имкониятининг яратилиши ҳисобланади. Бунда тадқиқ этилаётган МО характеристикасига комплексни «мослаб» қўйиш лозим бўлади холос.

МО учун ушбу принцип асосида «Инцидентлар базаси» қўлланилади. Бундай база «кабинетда» туриб, лойиҳалашда олдиндан айтиш қийин бўлган тасодиф элементларини ажратиб олиш имкониятини беради.

КФМТ ҳаётий цикли барча босқичларининг тизимли интеграциясининг бош стратегияси янги ташкилий ўзаро боғланишлар потенциалини амалга ошириш, барча белгиланган босқичларнинг тизимли самарадорлигини таъминлашда алоҳида босқичларни оптималлаштириш ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш» деб номланган тўртинчи бобида МО ларнинг ЁХ ни таъминлашнинг самарадорлигини ошириш аспектида белгиланган ва диссертациянинг барча тадқиқот йўналишларида олинган лойиҳанинг ишлаб чиқаришдаги, конструктив ва методологик ишланмалар натижалари келтирилади. Диссертация ишида олинган натижалар амалда фойдаланилди ва қуйидаги ҳолларда самарадорлиги исботланди:

1. «Мураккаб объектларнинг ёнғин хавфсизлигини илмий-техник таъминлашни кўп функциялилик асосида ривожлантириш модели» номидаги инновацион лойиҳа («InnoWeek-2018» инновацион тадқиқотларнинг биринчи Миллий конкурси ғолиби бўлган) ни тайёрлашда қуйидаги йўналишлар бўйича:

1.1) республика иқтисоди учун юқори амалий аҳамиятли ва фойдали ҳисобланган илмий-тадқиқот ишларининг долзарб йўналишларини шакллантириш. Техник (1-жадвал) ва таълим (2-жадвал) бўйича ишланмалар ресурс моделини ташкил қилади.

1-жадвал

